

*Адолат ҳар ишида ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 10 ноябрь ● сешанба ● № 48 (665)

● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz

## Репродуктив саломатлик:



Софлом она — софлом  
бода — софлом келажак



## Маблағлар эгалариға қайтарилди

Айборларга интизомий  
жазо чораси кўрилди

ЮРТБО -  
ШИМИЗ томонидан тадбиркорлик  
фаилиятини химоя килиш борасида қабул килинган  
карор ва фармонларнинг жойларда ижросини таъминлаш юзасидан Андикон вилояти адлия бошқармаси томонидан муйян яшлар амалга оширилмоқда. Ҳусусан, Бўз туманида фаолият кўрсататгандан "Шурона" фермер хўжалиги раҳбари А. Каримов ариза билан мурожаат этиб, "Микрокредит банк"-нинг Шахрихон филиали томонидан ўзининг пул маблағлари унинг розилигисиз бошқа максадларга ўтказиб юборилганлигини маълум қилган.

Текширища аризада кўрсатилган холатлар ўз исботини топиб, ушбу холат юзасидан тақдимнома киртилиди. Тақдимномага асосан қонунбузилиш ҳо-

латларига йўл кўйган иккича нафар банк ходимига интизомий жазо чораси кўрсаналиб, фермер хўжалигининг пул маблағи эгасига қайтарилди.

Шунингдек, "Андижон Автотрансизмат" МЧЖ раҳбари Б.Халилов адлия бошқармасига ариза билан мурожаат этиб, Буз пахта тозалаш заводи билан тузилган шартномага асосан кўрсатилган хизмат юзасидан тўловларни ўз вактида амалга ошириштаганлигини баён этган. Аризада кўрсатилган холатлар ўз тасдиғини топиб, ушбу холат юзасидан Андикон вилояти хўжалиги судига давто ариза киртилиб, 12 060 000 сўм пул маблағи аризачига үндириб берилди.

Ҳаётбек АКБАРОВ,  
Андижон вилояти  
адлия бошқармаси бош  
маслаҳатчisi,  
Шуҳратбек МУСАЕВ,  
"Инсон ва қонун"  
мухбари



Куз неғматлағи

"Обуна – 2010"

Бухоро, Тошкент, Самарқанд вилоятлари ҳудудий адлия бошқармалари, суд ижро департаментлари ходимлари фаоллиги...

ҳамда ташаббуси газетамиз обунасида алоҳида кўзга ташланмоқда

Ха, мазкур вилоятларнинг адлия тизимида ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий маърифат мавзусини мухим масала деб каралаётганини газетамиз обунасида нисбатдан жiddий эътибор берилаётгандиша ҳам кўрсан бўлади. Адлия вазирлигининг кўллаб-куватлаши, кўп минг сонли газетхон – ўқувчиликни хайрикоҳлигига таянган холда 2010 йил обунасини ҳам кўнгилдаги ўтказиб ниятидамиш.

Бунинг учун энг аввало, Сиз азиз газетхон ўз сұхбатдошингиз, ўз минбарининг – "Инсон ва қонун"ни тўғри танлай билсангиз кифоя.

Ҳуқуқий мавзудаги содда ва равон тилда, ҳалқиц үслубдаги чиқишлар, ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимояси ўйлида тайёрланган таҳлилий мақолалар, Сизни ташвишга солағлан муммалар ёчими юзсидан битган мактубларнингиз, барис... барис Сиз билан юзма-юз туриш максадида газетамиз саҳифаларида чол этилиб борилади.

Бир сўз билан айтганда, "Инсон ва қонун" Сизнинг "Мулоқот минбари"нгизга айланади.

Обуна давом этмоқда!  
Нашр кўрсаткичи – 137

## Фаоллар тақдирланиши

АҲОЛИНИНГ ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг таъсирчанигини оширишда оммавий аҳборот восита-ларининг алоҳида ўрни бор. Шу боинс, адлия идораларининг ОАВ ходимлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга эътибор қаратилияпти.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ "Наврӯз" никоҳ уйида ўтказилган матбуот анхумани "Жамийтда ҳуқуқий маданияти янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар" мавзуга багишланди.

Унда Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Тошкент шаҳрида фа-

лият юритаётган нотариат ва ФХДЕ идоралари, Тошкент шаҳар ҳо-кимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қуловчи идоралар вакиллари ҳамда Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Миллий университети талабарлари ва оммавий аҳборот восита-ларни ходимлари иштилак этишиди.

3

## Вакт чархпалаши

### Ер ажратиш

#### Тўғрисида тақдимнома киртилиди

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ Тадбиркорлар хуқуқларини химоя килиш бошқармаси бошлиги Ш.САЙДОВНИНГ таҳририят хатига берган жавоби:

— Адлия вазирлиги томонидан Қашқадарё вилояти Мубо-

рак туманида яшовчи фуқаро Т.Хазратов ва бошқаларнинг туман ҳокимлиги мансабдор шахсларининг хатти-харакатларидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганиш давомида "Тоҳиддин Ҳазратов" МЧЖ раҳбари

Т.Ҳазратов Муборак тумани ҳокимлигига чорвачиликни ривожлантириш учун ер майдони ажратишни сураб мурожаат қўлланглиги, ушбу ариза ер участаси бериш масалаларини кўриб чиқиши бўйича туман комиссияси томонидан 2009 йил 10 апрелда кўриб чиқилиб, унга 5 гектар суғориладиган ер майдони ажратиш мақсадга мувофиқ деб топилганлиги аниқланди.

Бирор, ушбу хуносага асосан туман ҳокимлигининг ер ажратиш тўғрисидаги қарори кабул килинмаган.

Аризани ўрганиш натижаси бўйича Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан "Тоҳиддин Ҳазратов" МЧЖга ер ажратиш тўғрисидаги қарор юзасидан Муборак тумани ҳокимлигига тақдимнома киртилиди.

### Миннатдорчилик

#### Алимент пўлинин бериси

2009 ЙИЛИ баҳор ойларida сизларга 2 нафар фарзандим учун собик турмуш ўртоғим Нурсат Раззоковдан алимент пўллари ололмайтаним ҳакида ариза ёзган эдим. Сизларнинг ёрдамларининг туғайли алимент пўлларини олдим. Аризанинг инобатсиз қодирмаганликларининг учун сизларга раҳмат деб кўйинши инсонийлик бурчим деб ўйлаб, хат ёзаятман. Таҳририятга ҳалқимиз ҳуқуқ ва эркинликларни химоя килишдек масъулиятли ишларида омад тилайман.

Азиза КАНОГАТОВА,  
Бухоро шаҳри Пойи Остона  
кўчаси, 5-йи



### Назорат

#### Қарз ундирилди

ГУЛИСТОН шаҳар прокуратураси томонидан Сирдарё вилояти Гулистон туманида яшовчи фуқаро Р.Нурматовнинг муроҳати ўрганиш қылди, дея маълумот беради Гулистон шаҳар прокурори Е.БАЗАРБАЕВ.

— Р.Нурматов мукаддам Гулистон шаҳар "Иссиклик манбани" ишлаб чиқариш корхонасида ишлаган даври учун унинг иш ҳакида корхонанинг 75 минг сўм сўм қарздорлиги мавжуд бўлган, ушбу қарздорлик корхонанинг молиявий ахволи оғирлашганилиги ҳамда ишҳақи ва бюджетдан қарздорлиги катта бўлганилиги боис вақтича тўлаб бериш имконияти бўлмаган. Аризани кўриб чиқиши даврида ушбу қарздорлик Р.Нурматовга тўлиқ учдириб берилди.





